



## REGARDING RE-MINTING OF SAMARKAND COINS OF "NEW SANGANAK" COPPER COIN TREASURY

**U. Akhundjanova**

*employee*

*State Museum of the History of Timurids  
Tashkent, Uzbekistan*

**M. Rakhimova**

*employee*

*State Museum of the History of Timurids  
Tashkent, Uzbekistan*

### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Parkent, "New Sanganak", copper, coin, Samarkand, re-mint, Timurids, Shaybani Khan, Hijri, AD.

**Received:** 12.01.24

**Accepted:** 14.01.24

**Published:** 16.01.24

**Abstract:** in the article, 11 types of 1810 copper coins found in "Yangi Sanganak" neighborhood, Parkent district, Tashkent region in 2021, minted in Samarkand, 1420 Mirzo Ulugbek, at the end of the 15th century during the state administration of Timurids such as Sultan Ahmad, Sultan Mahmud, Boysungur Mirzo, Sultan Ali Mirzo, and during the 16th century devoted to the description and analysis of re-struck coins minted during the reign of Muhammad Shaibani Khan in the first decade of the century. 7 types of re-minting were noted on the analyzed coins.

## **"ЯНГИ САНГАНАК" МИС ТАНГАЛАР ХАЗИНАСИННИГ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИДАГИ ҚАЙТА ЗАРБЛАР ХУСУСИДА**

**У. Ахунджанова**

*ходим*

*Темурийлар тарихи давлат музейи  
Тошкент, Ўзбекистон*

**M. Рахимова**

*ходим*

*Темурийлар тарихи давлат музейи  
Тошкент, Ўзбекистон*

---

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

---

**Калит сўзлар:** Паркент, “Янги Санганак”, мис, танга, Самарқанд, қайта зарб, темурийлар, Шайбонийхон, хижрий, милодий.

**Аннотация:** мақолада 2021 йилда Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Янги Санганак” маҳалласидан топилган 1810 мис тангалардан Самарқандда зарб қилинган 11 турдаги 1420 йил Мирзо Улугбек, XV асрнинг охирларида Султан Аҳмад, Султон Маҳмуд, Бойсунғур Мирзо, Султон Али Мирзо каби темурийларнинг давлат бошқаруви даврида ва XVI асрнинг биринчи ўн йиллигига Мухаммад Шайбонийхон хукдорли даврида зарб қилинган тангалардаги қайта урилган зарбларнинг тавсифи ва таҳлилига бағишиланган. Таҳлилга тортилган тангаларда 7 турдаги қайта зарбларнинг урилганлиги қайд қилинган.

---

### **О ПЕРЕЧЕКАНКЕ САМАРКАНДСКИХ МОНЕТ МЕДНОМОНЕТНОЙ КАЗНЫ «НОВЫЙ САНГАНАК»**

**У. Ахунджанова**

*сотрудник*

*Государственный музей истории Тимуридов  
Ташкент, Узбекистан*

**M. Рахимова**

*сотрудник*

*Государственный музей истории Тимуридов  
Ташкент, Узбекистан*

---

### **О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Паркент, «Новый Санганак», медь, монета, Самарканда, ремонитный двор, Тимуриды, Шайбанихан, Хиджра, н.э.

**Аннотация:** в статье 11 видов медных монет 1810 года, найденных в микрорайоне «Янги Санганак» Паркентского района Ташкентской области в 2021 году, отчеканенных в Самарканде, 1420 года Мирзо Улугбека, в конце XV века во время государственного управления Тимуридов типа Султана Ахмада, Султана Маҳмуда, Бойсунгура Мирзо, Султана Али Мирзо и в течение XVI века посвящены описанию и анализу повторно отчеканенных монет, отчеканенных в период правления Мухаммада Шайбани-хана в первом десятилетии века. На анализируемых монетах отмечено 7 видов перечеканки.

---

### **КИРИШ**

2021 йилда Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Янги Санганак” қишлоғидан топилган 1810 дона мис тангалар Ўзбекистон Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейига қабул қилиб олинди. Улардан 655 донаси Дилмурод Нормуродов томонидан Самарқандда зарб

этилганлиги аниқланиб, бу тангалар безак берилиши ва ёзувларининг туширилишига қўра 11 турга бўлинди. Аммо уларга қайта зарблар урилган бўлиб, бу қайта зарблар таҳлилга тортилмаган. Шу сабабли тангалардаги қайта зарбларни ўрганиш мухимдир. Чунки, бу орқали XVI асрдаги танга-пул муносабатларига маълум маънода тўлдиришлар киритиш мумкин.

## АСОСИЙ ҚИСМ

“Янги Санганак” хазинасидаги 655 дона Самарқардда зарб қилинган мис тангаларда жами 484 та қайта зарб урилган. Шулардан 279 мартаси тангаларнинг олд томонига, 205 мартаси эса орқа томонига урилган. Аксарият тангалардаги қайта зарблар саёз урилган. Шу сабабли уларнинг кўпчилигини аниқлаш қийин. Бу қайта зарблардан фақатгина 94 та тангадагисини аниқлашнинг имкони бўлди. Улар ўзига хос хусусиятлари, ҳошияларининг безалиш шаклига қўра 7-турдан иборат. Улардан битта туридагина ариб рақами билан қайта зарб урилган санаси туширилган (1-турида) бўлиб, қолган қайта зарб турларида санаси туширилмаган. Тангаларда аниқланган қайта зарблар қуидагича тасниф ва тавсифга эгадир:

*1-тури.* Учяпроқ шаклдаги ҳошия ичиға араб ёзувида “адл Самарқанд” деган ёзув ва айримларида рақам билан сана (хижрий 900 йил) туширилган. Бундай қайта зарблар 54 та тангада учрайди. Улардан 53 таси 2-турдаги тангаларда, 1 таси эса 4-турдаги тангада аниқланди.

*2-тури.* Квадрат шаклдаги ҳошия ичиға араб ёзувида “хув” деган ёзув туширилган. Бундай қайта зарблар 4 дона тангада аниқлаш имкони бўлди. Улардан 2 таси 2-турдаги тангаларда, 1 таси 3-турдаги тангада, яна 1 таси 11-турдаги тангада аниқланди.

*3-тури.* қисқа икки ёни ташқарига ярим ҳалқа шаклида кенгайган тўғри тўртбурчак ҳошия ичиға араб ёзувида “зарб Парак” деган ёзув туширилган. Бундай қайта зарблар жами 3 та тангада: 2-турдаги 1 та, 3-турдаги 2 та тангада аниқланди.

*4-тури.* Доира шаклдаги ҳошия ичиға араб ёзувида “адл Самарқанд” деган ёзув туширилган. Бундай қайта зарблардан жами 18 та тангада: 5-турдаги тангаларнинг 2 тасида, 6-7 ва 10-турдаги тангаларнинг 1 тасида, 8-турдаги тангаларнинг 13 тасида аниқланди.

*5-тури.* Фунча-гул шаклдаги ҳошия ичиға араб ёзувида “зарб Бухоро” деган ёзув туширилган. У “Янги Санганак” хазинасидаги Самарқандда зарб қилинган тангалардан 2- туридаги 4 та, 3-турдаги 8 донасида, жами бўлиб 10 дона тангаларда аниқланди.

*6-тури.* Икки ёни ярим ҳалқасимон ташқарига кенгайган ҳошия ичиға (3-турдаги қайта зарба ўхшаш) араб ёзувида “адл Самарқанд” деган ёзув туширилган. У 3-турдаги тангалардан 3 донасида аниқланди.

*7-тури.* Учбарчак шаклдаги ҳошия ичиға араб ёзувида “Бухоро” деган ёзув туширилган. У 3-турдаги 2 дона тангада аниқланди.

Юқорида турларга ажратилган қайта зарблардан 1-турдаги қайта зарблар хижрий 898–

901 (милодий 1492–1496) йилларда, 2-турдаги қайта зарблар хижрий 910–914 (милодий 1504–1509) йилларда, 4-турдаги қайта зарблар хижрий 906–907 (милодий 1500–1505) йилларда, 6- турдаги қайта зарблар хижрий 910 (милодий 1504–1505) йилларда Самарқандда урилганлиги аниқланган. 3-турдаги қайта зарблар хижрий 910 (милодий 1504–1505) йилда Парак (Тошкент воҳаси)да урилганлиги, 5 ва 7-турдаги қайта зарблар хижрий 913–914 (милодий 1508–1509) йилларга қадар Бухорода урилганлиги аниқланган.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, “Янги Санганак” мис тангалар ҳазинасидаги қайта зарбларнинг битта тури темурийлар давридаги пул ислоҳати пайтида, қолган олти тури Муҳаммад Шайбонийхоннинг танга-пул ислоҳати даврида урилган. Шундан сўнг бу тангалар савдо-сотиқ ишларини муомала воситаси сифатида яна фойдаланилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Dilmurod Normurodov, Nargis Kholova. About Samarkand Coins from the house of the XV –early XVI century found in the “Yangi Sanganak” mahalla // Frontline Social Sciences and History Journal. (ISSN – 2752-7018). Volume 03. ISSUE 11. Pages: 39-48.
2. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. в Мавераннахре). – Москва, 1983. – С. 104-107, 113.